



A NEW STAGE AND MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF INTERETHNIC RELATIONS AND ISSUES OF COMPATRIOTS ABROAD IN UZBEKISTAN

Saodat Tilovberdievna Davlatova

Doctor of Historical Sciences, Professor

Head of Department, Committee on Interethnic Relations and Issues of Compatriots Abroad, Republic of Uzbekistan

saodatdavlatova70@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: interethnic relations, ethnic issues, national centers, friendship societies, unity, friendship of peoples.

Received: 20.07.25

Accepted: 21.07.25

Published: 22.07.25

Abstract: This article investigates important information related to interethnic relations and reflects on the essence and content of the ongoing reforms in this area. Additionally, it provides a detailed overview of the state committee responsible for the relevant sector operating in the country.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР МАСАЛАЛАРИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Saodat Tilovberdievna Davlatova

Тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси бўлим бошлиғи

saodatdavlatova70@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: миллатлараро муносабатлар, этник масалалар, миллий марказлар, дўстлик жамиятлари, бирлик, халқлар дўстлиги.

Аннотация: Ушбу мақолада миллатлараро муносабатларга оид муҳим маълумотлар тадқиқ қилиниб, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти борасида фикр юритилган. Шунингдек, мамлакатда фаолият юритаётган соҳага оид давлат қўмитаси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган.

НОВЫЙ ЭТАП И МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ВОПРОСОВ СООТЕЧЕСТВЕННИКОВ ЗА РУБЕЖОМ В УЗБЕКИСТАНЕ

Саодат Тиловбердиевна Давлатова

Доктор исторических наук, профессор

Заведующая отделом Комитета по межнациональным отношениям и вопросам соотечественников за рубежом Республики Узбекистан

saodatdavlatova70@gmail.com

Ташкент Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: межнациональные отношения, этнические вопросы, национальные центры, общества дружбы, единство, дружба народов.

Аннотация: В данной статье исследуются важные сведения, касающиеся межнациональных отношений, и рассматривается сущность и содержание проводимых реформ в этой сфере. Также даётся подробный обзор государственного комитета, работающего в соответствующей области в стране.

Кириш: Маълумки, бизнинг қадимий ва саҳоватли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, бағрикенглик, самимийлик, ҳамжиҳатлик ҳамда умуммиллий бирдамлик халқимизнинг энг яхши сифатларидир. Асрлар давомида Марказий Осиё худуди, хусусан, Ўзбекистон кўп миллатли бўлиб, бу ерда турли миллат, тил, маданият ва дин вакиллари ҳамкорлик қилиб келишган.

Ўзбек миллати тарихига назар ташласак, эзгуликка интилиш, сабрлилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бир-бирига нисбатан ҳайрихолик фазилатлари халқимизнинг маънавий қадриятларининг туб моҳиятини ташкил қилиб, ёшларда толерантликни шакллантириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон Республикасининг давлат бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари бўлган миллий маданий марказлар давлатнинг ижтимоий шериклари сифатида аҳолининг иқтисодий фаолиятини кўллаб-қувватлаш, ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, демократик янгилашни жараёнларида иштирок этиб келмоқдалар.

Бугун юртимизда 130 тадан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўмита республикада фаолият юритаётган 157 та миллий маданий марказлар 46 та дўстлик жамияти, 100 га яқин хориждаги ватандошлар жамиятлари, 70 га яқин биродарлашган шаҳарлар ва 16 та диний конфессия вакиллари билан “халқ дипломатияси” механизидан фаол фойдаланган ҳолда чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона

муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган”.

Муҳокама:

Ўзбекистонда кейинги йилларда миллатлараро муносабатлар масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Миллатлараро муносабатлар йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги «Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-52-сон Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, Жамиятда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифаларидан бири этиб миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликни шакллантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-115-сон қарори асосида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита миллатлараро муносабатлар ҳамда хориждаги ватандошлар масалалари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи этиб белгиланди.

Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш;

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини кучайтириш;

халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш;

хориждаги ватандошларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини Ватанимиз ривожига сафарбар этишларини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон халқи ҳамда хориждаги ватандошларнинг жамиятнинг муштарак мақсадлари йўлида бирдамлиги, умуммиллий ҳамжиҳатлик масалаларини тизимли таҳлил қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари— ҳудудий жамоатчилик кенгашлари деб қайта номланди.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиб, Қўмитага юкланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилишига қўмаклашади.

Қарорда Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб, қўйидагилар:

Ўзбекистон халқининг бирдамлигини таъминлаш, хориждаги ватандошларни тарихий Ватани билан бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишда халқ дипломатияси механизмларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар тайёрлаш ва Қўмитага киритиш;

аҳолида Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадриятлари устуворлигини англаш туйғусини кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

жамиятда умуммиллий бирдамлик, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва биродарлик алоқаларини ривожлантиришга оид тарғибот ишларини тизимли олиб бориш белгиланган.

Бундан ташқари, Қўмита «Ватандошлар» жамоат фонди, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларига доимий равишда ахборот, маслаҳат, ташкилий ва услубий жиҳатдан қўмаклашиб боради.

Хориждаги ватандошлар йўналишида Қўмита миллатлараро муносабатлар ҳамда хориждаги ватандошлар масалалари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат

органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Ҳар йили “Ўзбекистон ягона Ватан!” шиори остида юртимиздаги барча миллат ва элатлар вакилларининг ўзаро тенглиги, бирдамлигини, уларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссасини эътироф этувчи анжуманлар ташкил этилади.

Кўмита “Ватандошлар” жамоат фонди билан биргаликда ҳар йили хориждаги ватандошларнинг “Uz Global Think” форумини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг мақоми оширилиб, мустақил кўмита сифатида энди у ватандошлар масалалари билан ҳам шуғулланадиган бўлди.

2021 йил август ойида дунёнинг 100 га яқин мамлакатларида истиқомат қилаётган 10 миллиондан ортиқ ватандошлар, улар томонидан ташкил этилган 170 дан ортиқ маданий марказларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди.

Унда ватандошларимизнинг ўз тили, маданияти, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўзбек тилига ҳурмат ва эътиборни кучайтириш мақсад қилиб олинган.

Хусусан, хориждаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларининг ўзбек тилидаги бадий ва ўқув адабиётлари, миллий чолғу асбоблари, либослар, хунармандчилик намуналари ва бошқа атрибутлар билан таъминлаш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Латвия, Литва, ва АҚШдаги ватандошларга 10000 дан ортиқ ўзбек тилидаги бадий адабиётлар 100 дан ортиқ чолғу-муסיқа асбоблари тақдим этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллий маданий марказлар ва 16 та диний конфессия фаоллари томонидан “Янги Ўзбекистон” мажумаси ҳудудида 2022 йилнинг 5 апрель куни “Бағрикенглик боғи”га асос солиниши юртдошларимизнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган бунёдкорлиги ифодасидир.

2022 йилнинг сентябрь ойида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви арафасида Самарқанд шаҳрида фойдаланишга топширилган “Халқлар дўстлиги ва диний бағрикенглик музейи” юртимизда қарор топган миллатлараро ва диний бағрикенглик илдизлари, динлараро мулоқот маданияти билан яқиндан танишиш имконини берди.

Мамлакатимизда Абдурахмон Жомий, Махтумқули Фироғий, Абай Қўнонбоев, Александр Пушкин, Шота Руставели, Тарас Шевченко, Якуб Колас, Чингиз Айтматов каби турли миллатлар адабиёт намоёндаларининг номлари абадийлаштирилиши ушбу

халқларнинг тарихи, маданияти, маънавий кадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг юбилей саналарини нишонлаш тадбирлари давлатимиз томонидан таъминланиб келинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида фармойишларига асосан Ўзбекистон рус маданий маркази, “Славутич” украин маданият маркази, “Wiedergeburt” Ўзбекистон немис маданий маркази, Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази, Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази, Ўзбекистон туркман миллий маданий маркази, Ўзбекистон турк миллий маданий маркази, Тошкент шаҳар татар ҳамда Тошкент шаҳар бошқирд жамоат-маданий маркази, Озарбайжон, “Свитанак” Беларус МММларининг юбилейларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ҳамда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Хулоса: Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати чуқур ўйланганлиги, прагматик ва аниқ ечимларга асосланганлиги, демократик руҳда фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб бериши билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг "2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги Фармонида бу йўналишдаги давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шароитлар яратиш, уларнинг фуқаролик бурчини ҳис этиши ва англаши, ватанпарварлик хиссини кучайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мулоқот маданиятини ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий экспертлар Янги Ўзбекистонда кучли давлат тизими ҳамда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашнинг янги босқичи шаклланганини мамнуният билан таъкидламоқдалар.

Янги Ўзбекистонда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминланганлиги кўпмиллатли мамлакатимизда миллий бағрикенглик муҳити, турли халқларнинг маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилганлиги ҳамда унинг пойдевори мустаҳкамлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Lex.uz – internetdagi O‘zbekiston Respublikasidagi barcha normativ-huquqiy qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. Electron versiyasi sayti. <https://www.Lex.uz>.
2. Toshev A.B. Yangi O‘zbekistonda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta’minlash/ - Toshkent: “Tasvir”, 2024. – 60 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Rasmiy nashr. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. – 80 b.
4. O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalari qo‘mitasi joriy arxivi. 2024-yil.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni// “Yangi O‘zbekiston” gazetasi, T.: 2022-yil, 1-fevral.